

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ургут туман ҳокимининг биринчи  
ўринбосари

У.Камолов



**Бажарувчи ташкилотнинг танлаб олиш учун  
танлов хужжатлари**

Ургут – 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- 1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- 2. Техник қисм**
- 3. Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Танлов предмети: “Ёшлар дафтарига” киритилган ёшларни 5 ташаббус тадбирини ўтказишда тақдирлаш учун совғалар сотиб олиш бўйича

1.2 Танлов қиймати 155 200 000 (бир юз еллик беш миллион икки юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот, иш хизматни бажариш бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича 0олиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шарнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш ва маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланиб, олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 **УРГУТ ТУМАН ҲОКИМИЯТИ** (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади)

- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Самарқанд вилояти Ургут шаҳри Навоий шох кўчаси

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид камиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов **УРГУТ ТУМАН ҲОКИМИЯТИ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид камиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатий назар шу мазмунда ва иш хизматлар курсатишга иштисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридек мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловдв иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 50% миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва молиявий ресурсларни мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлари;

- танлов шартига ўхшаш ишларни бажарганлиги тўғрисираги тажрибасининг мавжудлиги;

- илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги тажрибасининг мавжудлиги;

- танлов шартига кура мулжалланаётган ҳажми (100 фонздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади. Товар ва махсулотлар учун сифат-сертификат талаб қилинади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

-мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

-Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади) :

4.5 Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин:

= тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади:

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар кириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдидан келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларга доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим тиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.